



НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Хожиев Мехридин Сулаймонович,

Тошкент молия институти "Аудит" кафедраси профессори, PhD

Email: dj.msx@mail.ru

IMPROVING THE METHODOLOGY OF ORGANIZING THE AUDIT OF FINANCIAL STATEMENTS IN NON-STATE NON-PROFIT ORGANIZATIONS

Khojiyev Mekhriddin Sulaymonovich - PhD, Professor of the Department "Audit"

Tashkent Institute of Financ

Email: dj.msx@mail.ru

JEL Classification: M1,M4,M41

Аннотация: Уибӯ мақолада нодавлат нотижорат ташкилотларида (ННТ) молиявий ҳисобот аудитининг зарурати ва аҳамияти ҳамда уларда аудит ўтказиш методологиясини такомиллаштириши юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ёритилган. Шунингдек, ННТлар фаолияти аудитини тартибга солувчи норматив ҳужжатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш йўналишилари ишлаб чиқилган ва илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Халқаро ва Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти амалиётининг мувофиқлаштирилишидан кўринишимииз мумкини, тижорат хўжалик юритувчи субъектларининг аудит текширувларида мавжуд бўлган ва фойдаланиб келинаётган усуllарни ННТ фаолиятидаги объектлар аудитига тўлиқ қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Бундан ташқари, нотижорат соҳада турли даражадаги хўжалик юритувчи

субъектлар ва бизнесни ташкил этишида мавжуд бўлган умумий аудит методологиясини нодавлат нотижорат соҳасидаги алоҳида ташкилотлар учун ҳам, шу жумладан асосиация ва бирлашмалар фаолияти аудити методологиясини янада такомиллаштиришини талаоб қиласди.

ННТлар фаолияти аудитининг алоҳида тизимлараро хусусияти мавжуд. Уларнинг молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда бухгалтерия ҳисоби, аудит, иқтисодий таҳлил усуllаридан, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиши керак. Уибӯ ҳолатлар ННТлар молиявий ҳисобот аудитининг тизимли назариясини яратишда комплекс ёндашув тамоиллари асосида асосиациялар ва бирлашмалар мисолида аудит назарияси, методологияси ва уни ташкил этиши методларини янада такомиллаштириши зарурлиги тўғрисида хулоса қилиши имконини беради.

Abstract. This article discusses the essence and significance of financial

reporting in non-state non-profit organizations (NSNPOs) and scientifically based recommendations on improving the methodology of conducting audits in them. Also, the features of audits of financial statements in non-state non-profit organizations (NSNPOs) are highlighted, a general plan and program of work for audits of financial statements are developed, and the procedure for auditing financial statements in non-state non-profit organizations is recommended. It can be seen from the coordination of the international and the Republic of Uzbekistan auditing practice that it is not appropriate to fully apply the existing and used methods in the audits of commercial economic entities to the audit of NSNPOs activities. In addition, it is necessary to further improve the general audit methodology that exists in the non-profit sector of various levels of economic entities and business organization for individual organizations in the non-state non-profit sector, including the audit methodology of the activities of associations and unions.

There is a special cross-system feature of the audit of NSNPOs activity. Accounting, auditing, economic analysis methods, and modern information technologies should be used in the audit of their financial statements. These cases make it possible to conclude on the necessity of further improvement of audit theory, methodology and methods of its organization in the case of associations and unions based on the principles of a comprehensive approach to the creation of a systematic theory of the audit of financial statements of NSNPOs.

Калим сўзлар: Нотижорат ташкилотлар, ассоциация, сиёсий партия, таъсисчи, юридик шахсларнинг

ягона давлат реестри (ЮШЯДР), молиявий ҳисобот, мақсадли тушумлар, грантлар, аъзолик бадали, хайрия маблағлари, ташаббусли аудит, мажбурий аудит.

Keywords: non-profit organizations, association, political party, founder, Unified State Register of Legal Entities (USRLE), financial statement, target income, special-purpose financing, grants, donation, income from charitable donations, charity, proactive audit, mandatory audit.

Кириш. Иқтисодиётнинг ҳозирги таркибий ўзгаришлари шароитида давлат томонидан мақсадли тушумларнинг берилиши ва улар аниқ белгиланган вазифаларга сарфланиши аксаият ҳолатларда нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “«Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонида, эркин фуқаролик жамиятини ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, Ўзбекистонни фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича хабга айлантириш учун Давлат дастурларида иштирок этаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сонини камида 80 тага етказиш муҳим вазифа сифатида белгиланган [1]. Чунончи, ННТлар амалиётида халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинган танловларда маҳсус грантлар ажратилиши, уларга давлат томонидан субсидия, дотация ҳамда солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича катта имтиёзларнинг берилиши каби ҳолатларни кўп учратиш мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари аудити ўз фаолият йўналишлари бўйича асосий фаолияти

фойда олишга қаратилган «тижорат» ташкилотларида ўтказиладиган аудитдан фарқ қиласи. ННТлар молиявий ҳисоботи аудити ўзига хослиги молиявий манбаларнинг шаклланишида, биринчи навбатда олинган даромадлар таркибида намоён бўлади: грантлар, суюсициялар, кириш бадаллари, аъзолик ва ихтиёрий бадаллар, ташкилотнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлари, шунингдек, мақсадли фаолият учун сарфланган харажатлар ва маблағлардан фойдаланиш, бошқарув аппаратини сақлаш ва асосий воситаларни сотиб олиш жараёнида муаммолар юзага келади.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда ННТлар фаолиятини жисмоний ва юридик шахсларнинг мақсадли инвестициялари, аъзолик бадаллари, грантлар, молиялаштиришнинг бошқа мақсадли манбалари, шунингдек, молиявий ҳисбот ишончлилигини баҳоламасдан туриб, ННТлар билан ўзаро муносабатлар тўғрисида қарорлар қабул қилиш мумкин эмас. Бунда ННТлар молиявий ҳисботи ҳаққонийлиги мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан холисона тасдиқланиши керак.

Материал ва метод. Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ташкилий-хуқукий жиҳатлари айрим хорижий иқтисодчилар томонидан ўрганилган. Хорижий олимлар томонидан молиявий назоратнинг энг муҳим шакли сифатидаги мустақил аудитнинг концептуал асосларига, шунингдек, турли соҳалардаги ташкилотларда аудит ўтказишнинг асосий тамойилларига бағишлиган катта ҳажмдаги тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу соҳада илм-фан ва амалий тадқиқотларни олиб борган

Р.Адамс, Е.А.Аренс, М.Бенис, Р.Додж, Д.Р.Сармичал, Ф.Котлер, Ж.К.Лоббек, Р.Монтгомери, Ж.Робертсон, Ж.Ричард, В.М.Оъреилли, Д.И.Ряховский каби хорижий олимларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим [12].

МДХ мамлакатлари олимларидан нодавлат нотижорат ташкилотларида аудитни ташкил этишнинг айрим масалалари Я.В.Соколова, Г.Ю.Касяноваларнинг “Бухгалтерия ҳисоби иқтисодий хаёт далилларининг йиғиндиси сифатида” асарида, Т.В.Юрийева, Л.В.Егороваларнинг “Нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит: назария, методология ва амалиёт” асарида ёритилган [7]. ННТларнинг ижтимоий статистикаси масалалари М.Р.Ефимова, И.И.Елисеева, М.Г.Назаровнинг ишларида тўлиқ илмий ёритилган. Бироқ санаб ўтилган муаллифларнинг ишларида нодавлат нотижорат ташкилотлари аудитининг услубиёти, шу жумладан, ННТлар молиявий ҳисботи аудитини ташкил этиш ва такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар акс эттирилмаган. ННТларнинг молиявий ҳисботи аудити тизими ва назарий жиҳатдан чуқурроқ тадқиқотлар олиб боришни талақ қилмоқда.

ННТларнинг молиявий ҳисботлари аудитини ўтказиш тартибининг назарий жиҳатдан етарлича ишлаб чиқилмаганлиги ва амалий эҳтиёжнинг мавжудлиги ушбу мақола мавзуси, обьекти ва мазмунининг долзарбилигини белгилаб беради.

ННТлар хусусиятларига кўра алоҳида аудиторлик текширувларини ташкил этиш тизими ишлаб чиқилмаганлиги сабабли молиявий ҳисботлар аудитини ўтказиш учун


умумий мөъёрий хужжатлар кўлланилади. Шунинг учун ННТларида молиявий ҳисботлар аудити юзасидан аудиторлик ҳисботини тайёрлаш ва уни такомиллаштириш зарур.

Натижалар. Илмий тадқиқотни амалга оширишда ННТда молиявий ҳисбот аудитини ташкил этиш, уларда тижорат фаолиятидан олинган даромадлар ва мақсадли тушумлардан фойдаланиш аудити, шунингдек, аудит давомида таҳлилий амалларни кўллаш, далилларни олиш бўйича иқтисодчи олимларнинг фикрларини ўрганиш, эксперт баҳолаш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашиш, қиёсий таҳлил қилиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

Мунозара. Сўнгги пайтларда мамлакатимизда аҳолининг фаол фуқаролик позициясининг

мустахкамланиши, жамият тараққиёти ва давлат томонидан қўллаб-куватланишининг кучайиши натижасида иқтисодиётнинг учинчи тармоғи сифатида, яъни, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг (ННТ) навбатдаги янги ривожланиш босқичлари юзага келади. Бу вазиятда, эҳтимол, сўнгги йигирма йилликда биринчи марта Ўзбекистон Республикаси хукумати даражасида нодавлат нотижорат ташкилотларини кучли ижтимоий қўллаб-куватлаш вазифалари белгиланган [1]. Ушбу вазифаларни бажаришда ННТлар молияхўжалик фаолияти ва молиявий ҳисботлар ҳаққонийлигини норматив – хужжатларга мувофиқ ўрганиш аудиторлик текширувларини мақсадини аниқлаштириш имкониятини беради (1-расм).

ННТлар фаолияти аудитининг асосий мақсади

- 
- 1) ННТнинг устави ва бошқарув хужжатларида белгиланган мақсад ва вазифаларига мос ҳолда фаолиятдаги мулкларининг шакллантирилганлиги ҳамда ундан фойдаланиш тамоиллари асосида юритилгалиги таққослаш.
 - 2) ННТ фаолиятида келиб тушган маблағлардан мақсадли фойдаланилганлигини текшириш.

1-расм. ННТлар фаолияти аудитининг асосий мақсади¹

Бошқа тижорат ташкилотлари каби ННТлар фаолияти ҳам қонунчилик ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига мувофиқ мажбурий ҳамда ташаббускор (ихтиёрий) аудиторлик

текширувлари шаклда амалга оширилиши мумкин. Республикаизда иқтисодий тараққиётнинг янада ривожланиши, солик, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, асосиация ва

¹ Муаллифнинг илмий изланишлари, 2023 й.



бирлашмалар каби жамоат ташкилотлари сонининг кўпайиши, иқтисодиёт ва тармоқлари иштирокчиларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг хусусиятлари ва кўпинча уларнинг ўзлари ассоциация ва бирлашмалар асосий мақсадларини молиялаштиришнинг фойдали фаолият манбаларини шакллантириш учун амалга оширадилар. Бу эса бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тузишнинг молиявий ҳисобот халқаро стандартларида (МХХС) белгиланган ёндашувларга ўтиши, нодавлат нотижорат ташкилотлари (ассоциациялар ва бирлашмалар) молиявий фаолияти тўғрисидаги ҳисботлар аудитини назарий, услугбий ва амалий асосларининг яхлит тизими мавжуд эмаслиги ННТда молиявий ҳисобот аудитини ўрганишнинг долзарблигини белгилайди.

Юкоридагилардан келиб чиқиб,

ННТ ташқи ва ички фойдаланувчиларни ишончли ахборот билан таъминлашда аудит иши сифатини оширишга ҳамда, ННТлар молиявий ҳисботи аудитининг умумий методологиясини ташкил этишнинг ва уни янада такомиллаштиришнинг комплекс усусларини ишлаб чиқишига қаратилган тадқиқотларни олиб боришга зарурат юзага келмоқда.

Бугунги кунда ННТ фаолиятини назорат қилиш ва аудитини ташкил этиш масалалари, айниқса, мақсадли маблағлардан фойдаланиш аудити масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Келинг, қайси ННТлар мажбурий аудитдан ўтказилиши ва қайси бири ташаббусли аудитга мурожаат қилиши мумкинлигини кўриб чиқайлик. Шунингдек, ННТларнинг молия-хўжалик фаолияти аудитини ташкил қилиш мумкин бўлган шаклларини ўрганиб чиқишимиз лозим.

1-жадвал

ННТлар фаолияти аудити ва назоратининг норматив – хуқуқий тартибга солиниши²

№	ННТнинг ташкилий-хуқуқий шакли	Мажбурий аудит/назорат зарурати	Асос
1.	Манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ажратмаларидан иборат бўлган фондлари	Ҳа	Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддаси 5-банди
2	Матлубот кооперативлари	Ҳа	Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддаси 5-банди
3	Диний ва хайрия ташкилотлари (бирлашмалар)	Ҳа	Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти

² Муаллиф илмий изланишлари асосида ишлаб чиқилган, 2023.



			тўғрисида"ги Қонунининг 35-моддаси 6-банди
4	Жамоат фондлари	Ха	Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 35-моддаси 6-банди
5	Нотижорат нодавлат ҳамкорлик ташкилотлар	Ха, факат таъсис хужжатларига мувофиқ мажбурий аудит	Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 35-моддаси 5-банди
6	Автоном нодавлат нотижорат ташкилотлар	Ха, факат таъсис хужжатларига мувофиқ мажбурий аудит	Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 35-моддаси 5-банди
7	Ассоциация ва уюшмалар (Сиёсий партиялар)	Ха, факат таъсис хужжатларига мувофиқ мажбурий аудит	Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 35-моддаси 5-банди
8	Имконияти чекланган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ташкилотлари	Йўқ, факат таъсис хужжатларига мувофиқ мажбурий аудит	ННТлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 21-моддаси
9	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	Йўқ, факат таъсис хужжатларига мувофиқ мажбурий аудит	ННТлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 21-моддаси
10	ОАВ ва бошқа турли ижтимоий соҳалардаги ташкилотлар	Йўқ, факат таъсис хужжатларига мувофиқ мажбурий аудит	ННТлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 21-моддаси

Норматив-хукуқий базага асосланиб, ННТларнинг турлари бўйича молияхўжалик фаолияти аудити ва назоратини ташкил қилишда умумлаштирилган таҳлилий жадвал тавсия этилади (1-жадвал). 1-жадвал маълумотларига

мувофиқ ННТлар ташкилий шаклларига кўра аксарият қисми фақат мажбурий аудитдан ўтиши аниқ кўрсатиб берилган. Мазкур вазиятда мақсадли маблағларнинг ишлатилишини назорат қилиш, ННТда даромадлар ва харажатларни тўғри акс



эттирилиши масалаларини ўрганиш тавсия этилади, айниқса, иштирокчилари, аъзолари ва бошқа таъсичилари кўп бўлган ННТларда хатоликлар ҳамда муаммоли вазиятлар юзага келади. Бу ҳолатни ушбу соҳадаги етакчи иқтисодчи олим Д.И. Ряховский ҳам тасдиқлайди ва аксарият олимларнинг тадқиқот ишларида ҳам келтириб ўтилган [12].

Амалиётда энг кўп баҳслар, низолар иштирокчилар мақсадли маблағларининг тўғри акс эттирилиши ва сарфланиши жараёнида уй-жой мулкдорлари ширкатларида ва маҳалий кооперативлар шаклдаги ННТлар ўртасида юзага келади. ННТ иштирокчилари ўзларининг мақсадли маблағлари қаерда ва қандай сарфланаётганини аниқ билишни исташади, бу мутлақо адолатли талабдир.

Юқоридаги барча таклифлардан хулоса қилиб, ННТнинг барча шакллари учун мажбурий аудит ёки ихтиёрий аудит ўтказишни норматив-хукукий асосларини тўлиқ таъминлаш керак. Шу ўринда юқорида кўрсатилган вазиятлар билан кўп сонли келишмовчиликлар бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бирок, ушбу мақолада ННТлар молиявий ҳисоботи аудитида бундай муаммоларни ҳал қилишнинг энг соддалаштирилган усулини таклиф қиласиз.

Демак, ННТлар яна қандай ҳолларда аудиторлик хизматларига мурожаат қилишлари мумкинлигини кўриб чиқамиз. Грантлар ва бошқа мақсадли маблағлар берувчи донор ташкилотлар, маблағлар олган нодавлат нотижорат ташкилотларининг хўжалик фаолияти операциялари ва молиявий ҳисботларининг хаққонийлигини тасдиқлаш учун аудитдан ўтказишни талаб қилишларини тавсия қиласиз. Бу ҳолда ННТда аудиторлик текшируви ташабbus мақомига эга бўлади ва уни амалга ошириш учун хизмат ҳақи тўловлари мақсадли

маблағлар берувчи донор ташкилоти томонидан молиялаштириладиган лойиҳа учун харажатлар сметасига киритилади.

Ҳар қандай ННТлар ташабbus тарзидаги аудит ўтказиши мумкин [2]. Шу жумладан, мажбурий аудит талаб этилмайдиган ННТлар ҳам ташабbusли аудитдан ўтиши мумкин. Бундай вазиятларда эса ННТда аудит хизмат ҳақи тўловлари кимнинг ҳисобидан молиялаштириши масаласига аниқлик киртиш тавсия этилади.

Одатда, ННТларнинг маблағлари чекланганлиги сабабли, ташабbusли аудит ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларини жалб қилиш ва уларга хизмат ҳақи тўлаш муаммоли вазиятни келтириб чиқаради. Бу ҳолда ННТда турдош хизматларни амалга ошириш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади: буларга ННТ бухгалтерия ҳисобини йўлга кўйиш ва қайта тиклаш, солиқлар ва бошқа масалалар бўйича маслаҳатлар, мақсадли лойиҳаларни сметаларини тузиш каби хизматларни аудиторлик ташкилотларига буюртмалар қилиш ва хизмат ҳақини тўлаш учун молиялаш манбаларини аниқ кўрсатиш лозим.

Қоида тариқасида, ННТда мажбурий аудиторлик текширувлари қонунчилик хужжатларига мувофиқ ёки таъсисчилар ва аъзолар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг қарорлари билан амалга оширилади.

Маълумки, аудиторлик хулоасасидан (шунигдек, ННТ молиявий ҳисобот маълумотлари) фойдаланувчи ННТ таъсисчилари ва аъзоларидан ташқари, потенциал ҳомийлар, давлат ташкилотлари, маҳаллий ва хорижий хайрия фондлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси «Нодвалат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасига кўра, ННТ ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга, давлат солиқ

хизмати органларига ва давлат статистикаси органларига белгиланган тартибда ҳисботлар тақдим этади [4]. Конун талабларига мувофиқ, ННТ молмулки, унинг таркиби, даромадлари ва харажатлари, ходимларнинг сони ва

таркиби, уларга ҳақ тўлаш, ННТ фаолиятида фуқароларнинг текин меҳнатидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар тижорат сири объекти бўлиши мумкин эмас.



2-расм. ННТларда молиявий ҳисбот аудитини ўтказиш сабаблари³

ННТлар учун молиявий ҳисбот аудитининг иккита асосий мақсадини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) ННТлар фаолият соҳалари, уларнинг мулки шакллантирилишини текшириш ва ундан фойдаланиш тамоилларига мувофиқ ННТнинг устави ва бошқарув органларида белгиланган мақсадларда фойдаланилаётганлигини аниқлаш;

2) Қабул қилинган маблағлардан мақсадли фойдаланишни тасдиқлаш. Хусусан: тасдиқланган сметалар, дастурларга мувофиқ мақсадли маблағлардан фойдаланиш йўналишларини, шунингдек, тегишли норматив ҳужжатлар ёки грант берувчилар (ҳоммийлар, донорлар) томонидан белгиланган

чекловларни ҳисбга олган ҳолда маблағларни сарфлашнинг мутлақ қийматларининг режалаштирилган кўрсаткичларга мувофиқлигини баҳолаш учун).

Шу ўринда, ННТ сифатида жамоат бирлашмалари молиявий ҳисботи аудитининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 73-моддаси 1-қисмига кўра, матлубот кооперативи – иштирокчиларнинг моддий (мулкий) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси ҳисбланиб, бунда бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкий (пай) бадалларини қўшиш йўли билан

³ Муаллиф илмий изланишлари асосида ишлаб чиқилган, 2023.

амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 74-моддаси 1-қисмига кўра жамоат бирлашмалари - маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари ҳисобланади [3].

ННТлар бир қатор сабабларга кўра молиявий ҳисбот аудитини

үтказиш учун аудиторлик ташилотларига мурожаат қилишади, бу эҳтиёж йўналишлари юзага келиши тўғрисида 2-жадвалда аиниқлик киритилган.

ННТларда молиявий ҳисбот аудит үтказиш тартиби ва унга қўйиладиган талабларни таҳлил қилиб, биз текширишнинг энг муҳим йўналишларини қўйидагича шакллантишимиз мумкин. (2-жадвал).

2-жадвал

ННТда молиявий ҳисбот аудитини ўтказишга бўлган зарурат йўналишлари⁴

№	Молиявий ҳисбот аудити йўналишлари	Аудитнинг мазмуни	Зарурий йўналишлар
1	Нотижорат фаолияти билан боғлиқ бўлган операциялар аудити	ННТ томонидан олинган мақсадли тушумлар (маблағлар) аудити	- маблағлар хақиқатда қонун хужжатларида назарда тутилган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ эмаслигини ўрганиш, шунингдек тушум маблағлари КҚС ва даромад солиғига тортилмаслигини ўрганиш; - ННТларнинг бошқа тушумлари аудити;
2	Нотижорат ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган операциялар аудити	Мақсадли маблағларнинг тушуми ва даромадларнинг сарфланиши аудити	- бухгалтерия ҳисоби ёзувларининг бирламчи хужжатларга мувофиқлиги баҳолаш; - харажатларнинг устав фаолияти мазмунига ҳамда маблағлар олувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг талабларига мувофиқлиги баҳолаш;
3.	Тадбиркорлик фаолият билан боғлиқ бўлган молия-хўжалик операциялар аудити	Тижорат ташкилотларига ўхшашлик аудити	- молиявий ҳисботлар ишончлилиги аудити; - бухгалтерия ҳисоби ёзувларининг тўғрилигини тасдиқлаш; - барча иштирокчиларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғри ташкил этилганлиги аудити;

⁴ Муаллиф илмий изланишлари асосида ишлаб чиқилган, 2023.



Шуни таъкидлаш керакки, ННТларда аудиторлик текширувлари тижорат фаолияти бўйича фойда олишга қаратилган хусусий сектор ташкилотларида ўтказиладиган аудиторлик текширувларидан сезиларли даражада фарқ қиласди.

Шунингдек, ННТлар бухгалтерия ҳисобининг тўғри йўлга қўйиш, солиққа тортишни оптималлаштириш, лойиха сметаларини тузиш, солик ва бошқа масалалар бўйича маслаҳатлар бериш мақсадида мунтазам аудит ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари хизматларига эҳтиёж туғилади.

ННТлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий бадалларини бирлаштирган ҳамда аъзолари томонидан ўз мулкий (пай) бадалларини қўшиш йўли билан ташкил этилган ассоциация ва уюшмалар шаклида ҳам тузилиши мумкин. Бундан келиб чиқиб, жамоат бирлашмалари, ассоциация ва уюшмалар учун Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддаси 5-қисмида инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамловчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилари ҳар йили мажбурий

аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган [2]. Ушбу жамоат бирлашмалари ўзига аъзо бўлган ассоциациялар ва уюшмаларнинг молиявий-хўжалик фаолияти аудитини амалга ошириш, ННТ сифатида уларнинг асосий фаолиятини мувофиқлаштиради, мулкий манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қиласди, жамоат аъзоларига ички аудит профессионал хизматларини кўрсатади, шунингдек, белгиланган қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа назорат функцияларини ҳам бажаради.

Илмий тадқиқотлар давомида нафақат тижорат корхоналари, балки бошқа ННТлар фаолиятини ҳам бирлаштириш орқали молиявий ҳисботларнинг ҳаққонийлигини ички аудиторлик текширувидан ўтказиш имконияти ҳақида гипотеза илгари суриш мақсадга мувофиқdir. Келинг, бундай гипотеза қанчалик асосли эканлигини аниqlашга ҳаракат қиласдик.

ННТда ички аудит хизмати томонидан ўтказиладиган молиявий ҳисбот аудитининг айrim умумий хусусиятлари ўхшашибўлсада, ташки аудитдан ўтказиш хусусиятлари мавжуд. Ушбу умумий хусусиятлар ўхшашибўлсада фарқ жиҳатлари З-жадвалда келтирилган.



З-жадвал

ННТда молиявий ҳисобот аудитини ўтказувчи аудиторлик ташкилоти ва ички аудит хизматининг қиёсий тавсифи⁵

№	Хусусиятлари	Ички аудит хизмати	Аудиторлик ташкилоти
1	Ташкилий ҳуқуқий шакли	Нотижорат ташкилот	Тижорат ташкилоти
2	Фаолиятни лицензиялаш	Мажбурий эмас	Мажбурий эмас
3	Малака сертификатига эга аудиторлар сони	Камида 2 та ички аудитор	Камида 4 та ички аудитор
4	АХСларни қўллаш	Мажбурий эмас	Мажбурий
5	Аудитнинг мақсади	Молиявий-хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш, юзага келиши мумкин бўлган хуқуқбузарликларнинг олдини олиш	Молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларига мувофиқлиги хақида хулоса бериш
6	Якуний ҳужжат	Ички аудит натижалари бўйича ёзма тушунтириш ва ҳисобот	Аудит халқаро стандартларига мувофиқ тузилган аудиторлик хулосаси
7	Текширувнинг мақсади	Молиявий-хўжалик фаолиятини йўлга қўйишида юзага келиши мумкин бўлган хуқуқбузарликларни олдини олиш	Молиявий ҳисобот ишончлилиги ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларига мувофиқлиги хақида хулоса бериш
8	Аудиторлик текширувидан манфаатдор томонлар	Муассислар ва қатнашчилар	Молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар (акциядорлар, банк ва суғурта компаниялари, етказиб берувчилар ва бошқалар)
9	Якуний ҳужжат тақдим этиладиган орган	Текширилаётган ННТнинг бошқарув кенгашига ушбу ННТнинг кузатув кенгашини хабардор қилган ҳолда юборилади.	ННТ молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги сифатида солиқ ва юқори органларига юборилади
10	Аудит харажатларни қоплаш тартиби	ННТнинг штат жадвалига мувофиқ меҳнат харажатлари ҳисобидан қопланади	Текширилаётган ННТ аудит шартномасига мувофиқ харажатларни қоплайди
11	Маълумотларнинг махфийлиги	Текширилаётган маълумотлари ННТнинг махфий ҳисобланади	Текширилаётган ННТнинг маълумотлари ННТнинг махфий ҳисобланади

З-жадвалдан кўриниб турибдики, ННТ ўзининг ички аудит хизмати томонидан аудит

асосан тезкор аудит текшируви сифатида ўтказилганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасининг

⁵ Муаллиф илмий изланишлари асосида ишлаб чиқилган, 2023.



«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ мустақиллик, холислик ва ҳалоллик тамойиллари қўлланилмаслиги мумкин.

ННТда ички аудит томонидан ўтказиладиган тезкор назорат текшируви ва ташқи аудит ўртасидаги асосий фарқларини қўйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин, булар:

- ички аудит стандартлари (қоидалари) га ва аудит тамойиллари мазмунига риоя қилиш талабининг йўқлиги;
- ҳалқаро аудит стандартлари (қоидалари) га ва аудиторлик хulosаси мазмунига риоя қилиш талабининг йўқлиги;
- ички аудит хизмат томонидан ўтказиладиган аудитнинг мақсади ННТларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш ва маблағлар сарфланиши бўйича ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдир.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ўтказиладиган аудиторлик текширувининг мақсади – ННТнинг молиявий ҳисботининг ишончлилиги тўғрисида ҳаққоний ва холисона хulosса беришдир [9]. Шу билан бирга, тажриба шуни кўрсатадики, ННТларда ички аудит қўпинча юзаки ўтказилади ва керакли самарали натижани

бермайди. Аксинча, бундай текшириш натижаси баённомаларда ташкилот аъзолари учун «аъзоликни бекор қилиш» ҳисобланади.

Ички аудит хизмати томонидан ННТларни текшириш бошқа хусусиятлари ҳам мавжуд. Бу ҳолат ташқи аудиторлик текширувларига муқобил вариант сифатида тавсия этилиши мумкин, фарқи шундаки, у ННТдаги молия-хўжалик фаолияти ва молиявий ҳисботининг ҳақиқий ҳолатини очиб беради. Агар мажбурий аудитдан ўтказилмайдиган ННТ аъзолари мақсадли маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши тўғрисидаги ҳақиқий маълумотларни аниқлашдан манфаатдор бўлса, улар ички аудит хизмати томонидан текширишга мурожаат қилишлари керак. Агар ННТ мажбурий аудитдан ўтказилмайдиган ташкилот бўлса, унинг аъзолари мақсадли маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши тўғрисидаги ҳаққоний маълумотларни билишдан манфаатдор бўладилар, мазкур ҳолатда улар томонидан ички аудит хизмати томонидан аудит ўтказишга мурожаат қилишлари керак.

Бундай вазиятда нега ННТда ташаббусли аудит ўтказилмайди? Бу ерда мунозарали ҳолат юзага келади, яъни асосий масала аудит текширувининг мақсади ва хизматнинг нархида бўлиши мумкин. ННТлар қўпинча мақсадли



маблағларга мұхтож бўлганлиги сабаби, аудит ўтказиш масаласини уставга киритиши ва тўлов учун қўшимча маблағлар манбай ҳамда сметасини тасдиқлаш тавсия этилади. Бу ҳолатда ихтиёрий аудит хизматлари учун тўлови қанча кам бўлса, маҳаллий ННТлар учун хатоларни ўз вақтида тузатишга яхши имконият бўлади.

Бугунги кунда ННТда молиявий ҳисобот аудитининг ўтказилиши қатнашчилари ва аъзолари учун мухим ҳисобланади. Агар ННТ аъзолари ҳисоботнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги тўғрисида хulosага мұхтож бўлса ҳамда ҳалқаро аудит стандартларидан фойдаланиш мухим бўлса, бу ҳолда аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган ихтиёрий аудит ННТ нуфузи ва фойдаси учун бўлади. Агарда ННТ бухгалтерия ҳисобини тиклаш, ундаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўлса, шунингдек, ташқи ҳамкорлар учун ҳалқаро аудит стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисоботлар мухим бўлмаса, бундай ҳолатларда ички аудит хизмати томонидан тезкор аудит ўтказиш тавсия этилади.

ННТда бундай ички аудит хизматини ташкил этиш ва фаолиятини мувофиқлаштириш учун – бир нечта ННТ вакиллари бирлашиш орқали малакали профессионал аудиторни штат бўйича ишга жалб қилиш ва шу

орқали ички аудит хизмати бўлимини ташкил этиш тавсия этилади. Бу, ўз навбатида, ушбу бош ННТ таркибига кирувчи аъзо ННТларни тасдиқланган график асосида ички аудит текширувларини ўтказишларига асос яратади. Шу билан бирга, фақат ички аудиторларга штат бўйича тасдиқланган меҳнат ҳақи тўлови бериш орқали ННТ харажатларини тежашга эришилади.

Шундай қилиб, биз мақола бошида белгиланган муаммонинг ечимиға келдик, молиявий ҳисоботлар мажбурий аудитдан ўтмайдиган ННТлар учун ички аудитни ташкил этиш тежамкор муқобил вариант сифатида тавсия этилади. Норматив-ҳуқуқий базага қуйидаги мазмундаги ўзгартириш киритиш орқали: “Мажбурий аудит шартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказилмайдиган ННТлар, ўз уставда йилида бир марта ички аудит ўтказишни киритиш орқали доимий мақсадли маблағларни сарфланиши ва ҳуқуқбузарликни назорат қилиш мақсадида ички аудит текширувини ўтказиш тавсия этилади.

Кўп йиллик тажрибалар ва илмий тадқиқотлар натижасида мақола муаллифи сифатида ННТлар молиявий ҳисоботи аудитида одатда учраб турадиган асосий муаммоларни кузатишимиш мумкин [7]. Аксарият ҳолларда, ННТда



аудиторлик текшируванинің үтказишда, ННТ башқаруваның фоалиятынан иштеп белгилайдиган қарорлари, шунингдек, хизмат түлови маблағларининг сарфланишини тартибга солувчи смета харажатларининг мавжуд әмаслиги учраб туради.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари түғрисида”ги Конуннинг 15-моддаси 1-бандига мувофиқ, ННТ унинг муассислари (аъзолари) қарори асосида қонунчиликка мувофиқ тузилиши, мустақил баланс ва смета асосида иш юритиши шарт [4].

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг молия йили давомидаги даромад ва харажатларини акс эттирувчи асосий хужжат ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, бундай хужжат йиллик харажатлар сметаси бўлиши керак, бошқалари эса - молиявий режалар, бошқалари - даромадлар ва харажатлар режаси, бошқалари – смета-бюджет. Мақола муаллифи сифатида, бундай мақсадли маблағлар ҳаракатини акс эттирувчи хужжат турлича номланиши мумкин, асосийси, унда ННТ мақсадли тушумлари, тадбиркорлик фоалияты даромадларининг аниқ турлари ва харажатларнинг аниқ турларини қўрсатувчи (молиявий режа, смета-бюджет) сатрлар бўлган **режа-смета**

тузиш тавсия этамиз. Бунда ўз-ўзини молиялаштириш мақсадида молиявий манбаларни ташкил этиш, яъни асосий фоалият учун фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фоалияти билан шуғулланиш ННТларда фойда тақсимланмаслиги тамойилини бузиш эмас деб қаралади.

Бизнинг фикримизча, ННТлар фоалиятидаги муҳим жиҳат бу асосий фоалиятда амалга оширилаётган ҳар бир дастур учун маҳаллий смета тузиш зарурати ва маҷбуриятидир. Яъни, ушбу **режа-смета** ва маблағлар бюджети ўртасидаги асосий фарқ, тушумлар (даромадлар) ва харажатлар балансида аниқ кўринадиган бўлади. Одатда айнан мана шу хужжатларнинг тайёрланиши ва бажарилишида аудиторлар хатоларни аниқлайди.

Аудитор **режа-сметага** (бухгалтерия баланси ва бюджет) алоҳида эътибор қаратиши тавсия этилади: яъни, унинг ким томонидан (қатнашчи, аниқ манзурлар, аъзолар) тасдиқлаганлиги, тушум ва харажатлар қанчалик батафсил тавсифланганлиги муҳим. ННТларнинг тушумлар қисми ташкилотнинг солиққа тортиш нуқтаи назаридан муҳимдир, чунки мақсадли молиялаштириш маблағлари ва шунга ўхшаш бошқа мақсадли тушумлари даромад солигига ва КҚСга тортилмайди.

ННТ томонидан мақсадли маблағлар ҳисобидан қилинган харажатларни текширишда ННТнинг асосий мақсади ва вазифалариға мос ҳолда таъсис ҳужжатларига, молиявий режага (ёки смета) мувофиқлигини текшириш тавсия этилади.

Аудиторлар конун ҳужжатларига мувофиқ ННТ мақсадли маблағларини сарфлашга бир қатор чекловлар киритилганинги ёдда тутиши керак. Хусусан, таъсисчилар, грант берувчилик ва донор ташкилотлар томонидан маблағлар сарфланishiда чеклашлар бўлиши мумкин. Бундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 майдаги “Хомийлик тўғрисида”ги қонунида қўйидагича белгиланган [15]:

1) Ҳомийлик дастурлари бўйича молиявий йил давомида маъмурий ва бошқарув ходимларига иш ҳақини тўлаш учун ушбу ташкилот томонидан сарфланадиган молиявий маблағлар 20 фоиздан ортиқ ишлатиш ҳукуқига эга эмас (11 модда 2-қисм);

2) Бунда ҳомийлик дастурларини (шу жумладан ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини ва ҳомийлик дастурларини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатларни)

молиялаштириш учун молия йилида тушган даромадларнинг, қонун билан рухсат этилган тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадларнинг, шу жумладан ҳомийлик ташкилоти таъсис этган тижорат тузилмаларидан тушган тушумларнинг камида 80 фоизидан фойдаланилиши керак (11-модда 3-қисм);

ННТларнинг ҳисоб сиёсатида олинган тушумлар (даромадлар) ва қилинган харажатларни ҳужжатлаштиришда хатоликлар юзага келади, одатда аудиторлик текширувларида бундай хатоликлар тез-тез учраб туради. Ушбу босқичда ННТ фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини тушуниш муҳим ҳисобланади.

Бундай вазиятда ННТнинг мақсадли тушумлар ва қилинадиган харажатлар устав ҳужжатларида аниқ мос келиши керак. Агар ННТ асосий фаолияти билан бир қаторда қўшимча даромад учун тижорат фаолиятини ҳам амалга ошиrsa, бу ҳолатда алоҳида бухгалтерия ҳисобини юритиш орқали, нотижорат фаолияти хўжалик операцияларидан ажратилиши керак. Тижорат фаолиятидан олинган даромадлар ҳам қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ННТ асосий фаолияти билан боғлиқ операцияларга ишлатилишини қатъий равища назорат қилиш тавсия этилади.

Хорижий иқтисодчи олим В.М.Бодяконинг илмий тадқиқот ишларида ННТлар молиявий ҳисоботи аудити давомида тез-тез учраб турадиган одатий хатоликларни [11] қуидагича гурухлашни тавсия этган:

- ННТ амалга оширилаётган фаолият устав хужжатларига мос келмаслиги (қисман мос келмаса);
- грант берувчи, донорлар, ҳомийлар ва бошқа ННТларнинг талаблари бажарилмаслиги. Донор ва ҳомий ташкилотлар ўзлари киритган маблағлари мақсадсиз ишлатилиши;
- ННТда тушган аъзолик бадалларини нотўғри расмийлаштирилиши (ҳақиқий қабул қилиш тартибининг ННТ уставида белгиланганига мос келмаслиги);
- хайрия маблағлари ва бошқа эҳсонларнинг аноним тарзда киритилган маблағларнинг жойлаштирилиши тўғрисидаги хужжатлар мавжуд эмаслиги.
- ННТлар томонидан конференциялар, конгресслар, кўнгилочар тадбирлар учун харажатларни ҳисобга олишдаги хатолар (ННТ уставида ва бюджет ёки сметада назарда тутилган бўлиши керак);
- ННТнинг бошқарув органлари томонидан уларнинг ваколатлари бузилиши;
- тасдиқланган йиллик смета бюджет ва дастурларининг йўқлиги;
- қонун хужжатларида ёки грант

берувчилар томонидан белгилангандан харажатларнинг айрим турлари бўйича белгилангандан меъёрларга риоя қилмаслик (ННТ раҳбарнинг иш ҳақи, маблағ йиғиш харажатлари, умумий бизнес харажатлари ва бошқалар).

Юқоридаги одатдаги хатоликлар гуруҳидан келиб чиқиб, ННТларга хайриялар аноним тарзда амалга оширилиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда ННТнинг уставда белгилангандан мақсадлари учун пул маблағларини олиш хайрия эканлигини тасдиқловчи асосий хужжат хайрияларни қабул қилиш далолатномаси ҳисобланади ва ушбу далолатномага касса кирим ордери хужжатларини илова қилиш қилиш тавсия этилади. Мақола муаллифи сифатида ННТлар амалиётида фойдаланиш учун мана шундай хайр-эҳсонларни қабул қилиш далолатмаси шаклини ишлаб чиқиши таклиф қиласиз [7].

Шу ўринда, далолатнома ННТ ижрочи раҳбари, бош (катта) ҳисобчи ва комиссиянинг бир неча аъзоларидан (ННТ аъзолари, ижтимоий фаоллар, кўнгиллилар ва бошқалар) иборат комиссия томонидан имзоланиши керак. Бундай ҳолда, далолатноманинг шакли ННТнинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши керак. Хайрия эҳсонларни нотўғри рўйхатга олиниши ёки уларни рўйхатдан

үтказмаслик аудиторлик текширувларида уларнинг суммалари даромад солиги сифатида тан олинишига олиб келиши мумкин.

ННТлар молиявий ҳисоботини текширишда аудитор амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолияти доирасидаги даромад ва харажатларга жиддий эътибор

қаратиши лозим. Ушбу тадбиркорлик фаолият уставда белгиланган бўлиши керак. Шунингдек, ННТ асосий ва қўшимча тадбиркорлик фаолияти турлари бўйича тушумлар (даромадлар) ва харажатларининг алоҳида ҳисобини юритиш шартлиги тавсия этилади.

ННТнинг қўшимча тадбиркорлик фаолияти аудитида одатий хатолар қўйидагилар бўлиши мумкин:

- амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолияти тури билан уставда кўрсатилган фаолият ўртасидаги номувофиқликлар;
- алоҳида бухгалтерия ҳисоби юритилмаслиги;
- тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар ННТ устав мақсадлариға эришиш учун фойдаланилмаётганлиги кабилар;

2-расм. ННТларнинг молиявий ҳисботи аудитида одатий хатолар⁶

Маълумки, юридик шахслар (биринчи босқичда фақат масъулияти чекланган жамиятлар) давлат органи томонидан тасдиқланган **намунавий уставлардан** фойдаланиш имкониятига эга. Бундай уставда юридик шахснинг номи, ташкилот номи, устав капиталининг жойлашган жойи ва микдори тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас - бундай маълумотлар юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан (ЮШЯДР) ўтказишида кўрсатилган бўлади. Юридик шахснинг намунавий устав асосида иш юритиши тўғрисидаги

маълумотлар ЮШЯДРда ҳам кўрсатилиши керак.

Табиий савол туғилади: нега ННТлар учун бундай **намунавий устав** ишлаб чиқилмаган? Ушбу уставнинг мавжудлиги кўпинча ночор ННТ (кўпинча) ларга рўйхатдан ўтиш ва қайта рўйхатдан ўтиш учун пулни тежаш имкониятини беради. Бундан ташқари, бу уларни юқорида кўрсатилган асосий фаолияти ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳамда қоидаларга риоя қилиш билан боғлиқ одатий хатолардан ҳимоя қилишга ёрдам

⁶ Муаллиф илмий изланишлари асосида ишлаб чиқилган, 2023.



беради.

Хуроса. Мақолада юқоридаги таклиф тавсияларни умумлаштирган ҳолда Республика ва маҳаллий даражадаги ННТлар ўз веб-сайтларини яратиш ва унда иқтисодий кўрсаткичларни тасдиқловчи молиявий ҳисботларини эълон қилиб боришиларини тавсия қиласиз. Чунки, бундай ахборот манбалари ННТлар фаолиятининг барча норматив-ҳуқуқий база асосида ташқи аудит мутахассислари томонидан стандарт уставларнинг тузилиши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги одатий қоидабузарликлар ва хатолар тартибга солишга хизмат қиласиз.

Республика ва халқаро ННТлар айнан шундай тартибда веб-сайтларда ўзларининг хорижий аъзолари ва иштирокчилари ҳамда жамоатчилик кўриб чиқиши учун йиллик молиявий ҳисботлари юзасидан аудиторлик хуросаларини марказлашган ҳолда жойлаштиришлари ҳам тавсия этилади.

Бундай веб-сайт ахборот ресурсининг мавжудлиги ушбу ижтимоий аҳамиятга эга ташкилотларга барча меъёрий-ҳуқуқий ўзгаришлар тўғрисида тезкор маълумот олиш, бузилишлар, энг муҳим ва одатий тақорорланадиган хатоларни қўриш, ўз ҳамкаслари билан мuloқot қилиш (форум, чат орқали), мақсадли маблағлар йиғиш кабиларни амалга ошириш шунингдек, амалга оширилаётган дастурларда

жамоатчилик фикрларини муҳокама қилиш имконини беради. Шунга ўхшаш ННТ веб-сайт манбалари бугунги кунда ҳам мавжуд, аммо уларда иқтисодий кўрсаткич маълумотлари тўлиқ ошкор қилинмаслиги, фикрларнинг турлича ва шаффоғ тизимлаштирилмаганлиги (бир томондан ННТ иштирокчилари фаол мулокот қилишади, иккинчидан, бухгалтерия муаммолари, учинчидан, аудиторлик текширувлари норматив-ҳуқуқий база турлича) учраб туради. Мақола муаллифи сифатида ана шундай веб-сайт манбалардан фойдаланувчилар ҳаёт ҳақиқати ва қонунчиликни ўзгартиришдан ортда қолаётганлигини қайд этишимиз керак.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида ННТларда молиявий ҳисбот аудитини тақомиллаштириш ва ННТларда аудит ўтказишнинг умумий услубий тартибини тақомиллаштириш бўйича тавсиялар илмий асослаб берилди. Шу, муносабат билан ННТлар норматив-хужжатларда тегишли ўзгартиришлар асосида ННТ молиявий ҳисботи аудитини марказлашган ҳолда ташкил этишини тақлиф қиласиз. Бундай аудитнинг таркибида бухгалтерия ҳисоби, аудит, солиқقا тортиш, молиялаштириш масалалари бўйича ваколатли мутахассислар, шунингдек, зарурат бўлганда халқаро донон ташкилоти эксперларини иштирок этиши мақсадга мувоғик бўлади.



Шундай қилиб, нодавлат нотижорат ташкилотларининг молиявий хисоботлари аудитининг энг аниқ йўналишларини ва улардаги одатий хатоларни ажратиб кўрсатиш

орқали ушбу ННТларда қонунбузарликлар ва солик органлари ва донорлар билан боғлиқ муаммолардан қочишига эришилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида ПФ-158-сон фармони. 11.09.2023й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни, ЎРҚ-№677-сон, 2021 йил 25 февраль..
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, 1995 йил 21 декабрь. 163-І-сонли қонун билан тасдиқланган..
4. Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни, №763-І сонли 14.04.1999 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”, ПФ-60-сон, 2022 йил 28 январь.
6. Hojiyev M.S. Further improvement issues of accounting and reporting in non-state non-profit organizations in Uzbekistan.//European Journal of Business and Management – USA, ISSN 2222-1905 (Paper) ISSN 2222-2839 (Online) Vol.9, January, 2017, P. 212-216. (№12; Index Copernicus impact factor №7,17).
7. Mekhriddin Sulaymonovich Khojiev. Improvement of audit in non-state non-profit organizations./International Journal of Social Science Research and Review (IJSSRR)/Vol.6 No4 2023 April, <https://ijssrr.com/journal/article/view/1205>
8. Khojiyev M.S. Integration of Uzbekistan into the world economic community within the framework of audit standardization based on international financial reporting standards. Journal of critical reviews. Vol 7, Issue 11, 2020: page 433-436 doi:10.31838/jcr.07.11.77. <http://www.jcreview.com/?mno=117731>
9. Khojiyev Mekhriddin. Improvement of Audit of Payment in Non-State Non-Profit Organizations (NSNPO). International Journal On Economics, Finance And Sustainable Development/Vol. 4 No.2 (2022): IJEFSD/ <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/2710/2587/>.
10. Khojiyev M.S., Karimova K.D. Improving the application of international financial reporting standards in Uzbekistan/ Business Economics and Management/Vol. 11, Issue 10, October 2021/SJIF – Impact Factor = 8.075 /doi: 10.5958/2249-7307.2021.00027. <https://aijsh.com/wp-content/uploads/2021/11/10.9-Abs-AJRSEM.pdf>.
11. Бодяко В. М. «Аудит некоммерческих организаций: ассоциаций, союзов» тема диссертации автореферата по кандидат экономических наук, 2007.
12. Ряховский Д.И. Необходимость, формы и пути поддержки деятельности малых и средних аудиторских фирм.-М. : ИЭАУ, 2008.-156 с.
13. Xalmuratovich, B. S., & Turdimuratovna, U. S. (2021). Audit quality control: methods of external quality control of audit work. *International Journal of Business, Law, and Education*, 2(2), 58-62.



14. Хожиев М.С. «Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш». иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган автореферат. Тошкент - «Iqtisod-Moliya», 2019й. 57 б.

15. www.lex.uz - National database of legislation of the Republic of Uzbekistan.